

Швейцариянинг “Ўзбекистонда профессионал таълим ислоҳотини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси (VET4UZ)

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА  
АСОСИЙ МАНФААТДОР ТОМОНЛАРНИНГ  
СИФАТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА САЛОҲИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ БАҲОЛАШ**



Ушбу нашр 2022 йил 23 сентябрда Швейцария Конфедерацияси ҳукумати номидан Швейцариянинг Ўзбекистондаги Элчихонаси ва Ўзбекистон ҳукумати номидан Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан имзоланган Ҳукуматлараро битим асосида Швейцария ҳукумати томонидан молиялаштирилаётган ва “HELVETAS Swiss Intercooperation”нинг Ўзбекистондаги филиали томонидан амалга оширилаётган «Ўзбекистонда профессионал таълим ислоҳотини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси туфайли амалга оширилди.

Мазкур тадқиқот муаллифлари томонидан билдирилган фикрлар муаллифларга тегишли бўлиб, Швейцария ҳукумати ёки “HELVETAS Swiss Intercooperation”нинг Ўзбекистондаги филиалининг расмий сиёсати ёки позициясини акс эттирмайди.



Schweizerische Eidgenossenschaft  
Confédération suisse  
Confederazione Svizzera  
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development  
and Cooperation SDC



## Миннатдорчилик

Тадқиқотни ўтказишда ва ҳисоботни тайёрлашда қимматли ҳиссасини қўшган қўйидаги инсонларга самимий миннатдорчилик билдирамиз:

- Габриела Дамиян-Тимошенко, Швейцариянинг «Ўзбекистонда профессионал таълим ислоҳотини қўллаб-қувватлаш» (VET4UZ) лойиҳаси раҳбари;
- Ўткир Алижонов, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Шунингдек, ушбу тадқиқот учун қимматли вақти ва тажрибасини аямаган барча сўровнома иштирокчиларидан жуда миннатдормиз.

*Профессионал таълимда  
асосий манфаатдор томонларнинг  
сифатни таъминлаш бўйича  
салоҳиятини ривожлантириш  
эҳтиёжларини баҳолаш*

**Аслиддин Одилов**

Профессионал таълимда сифатни таъминлаш бўйича бош эксперт  
Швейцариянинг “Ўзбекистонда профессионал таълим ислоҳотини қўллаб-  
қувватлаш” лойиҳаси (VET4UZ)

**Тошкент - 2023**

## **Мұндарижа**

Қисқартмалар рўйхати .....	5
Кириш.....	6
Тадқиқот методологияси ва фойдаланилган маълумотлар.....	8
Салоҳиятни ошириш эҳтиёжларини баҳолаш методологияси.....	8
Сўровнома ва респондентлар .....	9
Салоҳиятни ошириш эҳтиёжларини баҳолаш натижалари.....	11
Таълим сифатини таъминлашнинг амалдаги тизими .....	11
Сифат ва сифатни таъминлаш тушунчаси .....	13
Таълим сифатини таъминлашда турли манфаатдор томонларнинг иштироқи .....	14
Сифат мезонлари ва стандартлари .....	20
Таълим сифатини таъминлаш тизимининг хусусиятлари .....	21
Таълим сифатини ташқи таъминлаш ва салоҳиятни ошириш эҳтиёжлари.....	23
Таълим сифатини ички таъминлаш ва салоҳиятни ошириш эҳтиёжлари .....	34
Салоҳиятни ошириш бўйича тадбирларга қандай ёндашиш керак.....	42
Хулоса ва тавсиялар .....	45
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	49

## Қисқартмалар рўйхати

<b>CNA</b>	Салоҳиятни ошириш эҳтиёжларини баҳолаш/таҳлили
<b>EQAVET</b>	Европа касбий таълим ва касбга ўқитишда сифатни таъминлаш рамкаси
<b>EMIS</b>	Таълимни бошқариш ахборот тизими
<b>ФГ</b>	Фокус-груп
<b>ПТ</b>	Профессионал таълим
<b>СИТ</b>	Сифатни ички таъминлаш
<b>СТТ</b>	Сифатни ташқи таъминлаш
<b>АКТ</b>	Ахборот-коммуникация технологиялари
<b>KPI</b>	Асосий самарадорлик кўрсаткичлари
<b>TH</b>	Таълим натижалари
<b>ОТФИВ</b>	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
<b>КҚБВ</b>	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
<b>ММР</b>	Миллий малакалар рамкаси
<b>СТ</b>	Сифатни таъминлаш
<b>SER</b>	Ўзини ўзи баҳолаш ҳисоботи
<b>ДТС</b>	Давлат таълим стандартлари
<b>SWOT</b>	Кучли томонлар, заиф томонлар, имкониятлар ва таҳдидлар таҳлили
<b>ToT</b>	Тренерларни тайёрлаш
<b>TQM</b>	Сифатни яхлит бошқариш
<b>VET4UZ</b>	Швейцариянинг “Ўзбекистонда профессионал таълим ислоҳотини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси
<b>ЖБ</b>	Жаҳон банки

## Кириш

Ушбу тадқиқот профессионал таълимда асосий манбаатдор томонларнинг сифатни таъминлаш бўйича салоҳиятини ривожлантириш эҳтиёжларини баҳолашга бағишлиланган бўлиб, сифатни таъминлаш тизимини самарали модернизация қилиш учун айнан қайси соҳаларда салоҳиятни ошириш ва кимнинг салоҳиятини ривожлантириш кераклиги таҳлил қилинади.

**Эҳтиёжларни баҳолаш салоҳиятни ошириш бўйича тадбирларни режалаштириш ва ташкил этишдан олдинги муҳим босқич ҳисобланади, чунки у ҳозирда мавжуд бўлган ва мавжуд бўлиши лозим бўлган керакли компетенциялар ўртасидаги аниқланган бўшлиқларни муваффақиятли бартараф этилишини ва белгиланган мақсадларга эришилишини таъминлайди.**

Ўзбекистонда профессионал таълим соҳасидаги ислоҳотлар бир неча йиллардан бери жуда жадал амалга оширилиб келинмоқда. Айниқса ҳозирги жадал ислоҳотлар шароитида салоҳиятни ривожлантириш эҳтиёжларини баҳолаш таҳлилини ўтказиш жуда муҳим ҳисобланади. Зоро, кадрлар салоҳиятидаги мавжуд бўшлиқлар энг пухта ишланган ислоҳотларнинг ҳам етарлича самара бермаслигига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон миллий сифатни таъминлаш тизимини Европа касбий таълим ва касбга ўқитишда сифатни таъминлаш рамкаси (EQAVET) стандартлари ва тавсиялари асосида такомиллаштиришни мақсад қилган.

Ислоҳотларни режалаштирилган тарзда амалга ошириш учун профессионал таълим соҳасидаги барча янги ўзгаришлар асосий манбаатдор томонлардан (республика ва маҳаллий бошқарув органлари, профессионал таълим муассасалари, профессионал таълим соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар) маълум бир салоҳиятни талаб қиласди. Шу боис, ушбу тадқиқот профессионал таълимда сифатни таъминлаш тизимини такомиллаштириш учун муҳим қадам ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади - профессионал таълим соҳасининг барча даражаларида янги сифатни таъминлаш тизимини яратишга йўналтирилган ислоҳотлар талабига жавоб бериш учун қандай салоҳиятга эҳтиёж борлигини аниқлаш ва ислоҳотларни амалга ошириш учун зарур бўлган салоҳиятни ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш (хусусан, янги компетенцияларни шакллантириш, етарлича ривожланмаган компетенцияларни мустаҳкамлаш).**

Ўзбекистонда таълим сифатини таъминлаш тизими нодавлат ва давлат секторлари иштирокини ўз ичига олган бир нечта даражалардан иборат бўлган бошқарув ва ижро этиш тизимларидан ташкил топган. Шу сабабли, асосий манбаатдор томонларнинг қўйидаги гурӯҳларининг салоҳиятини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Республика даражасидаги органлар (вазирликлар, тармоқ вазирликлари, кенгашлар, малака ошириш ва илмий-тадқиқот институтлари);

- маҳаллий бошқарув органлари (вазирликларнинг ҳудудий бошқармалари);
- иш берувчилар уюшмалари (тармоқ малака кенгашлари, профессионал уюшмалар, иш берувчилар);
- профессионал таълим ташкилотлари (профессионал таълим муассасалари ва касбга ўқитиш марказлари, шунингдек, профессионал таълим муассасалари бириктирилган олийгоҳлар).

Тадқиқот қўйидаги боблардан ташкил топган. *Биринчи бобда* тадқиқот методологияси, сўровнома тузилиши ва фойдаланилган маълумотлар келтирилади. *Иккинчи бобда* кабинет тадқиқот, сўровнома ва интервьюолар орқали олинган маълумотлар асосида профессионал таълим соҳасидаги мавжуд сифатни таъминлаш тизими таҳлил қилинади. *Сўнгра* сифатни таъминлаш бўйича салоҳиятни ривожлантириш эҳтиёжлари таҳлил қилинади. Тадқиқот якунида хulosалар қилинади ва профессионал таълимда сифатни таъминлаш бўйича салоҳиятни ривожлантириш тадбирларини режалаштириш ҳамда ташкил этишга оид тавсиялар берилади.

## Тадқиқот методологияси ва фойдаланилган маълумотлар

### Салоҳиятни ошириш эҳтиёжларини баҳолаш методологияси

Салоҳиятни ривожлантириш бўйича эҳтиёжларни баҳолаш (CNA) ҳозирги ва келажақдаги ҳолат ўртасида мавжуд бўлган салоҳиятдаги бўшлиқларини аниқлаш имконини беради. Салоҳиятни ривожлантириш эҳтиёжини баҳолаш ва салоҳиятни ошириш бўйича тадбирлар умумий салоҳиятни ривожлантириш жараёнининг бирбираидан ажралмас узвий қисмлари ҳисобланади. Бунда олдиндан мавжуд бўлган асосий салоҳиятлар, шунингдек, ислоҳотлар жараёнида, бошқарув ўзгариши ёки бошқа шунга ўхшаш шароитларда шакллантирилиши лозим бўлган асосий салоҳиятлар аниқланади. Бундан ташқари, CNA жараёнида зарур бўлган салоҳият одатда мавжуд бўлган салоҳиятга нисбатан таҳлил қилинади, бу эса салоҳиятни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжларни тушуниб етишни таъминлайди. Бу эса мавжуд бўлган салоҳиятни янада мустаҳкамлаш ва янги талаб этилган салоҳиятни ривожлантириш бўйича қимматли маълумотлар беради ҳамда салоҳиятни ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

1-расмда бутун CNA жараёни ва ушбу тадқиқотда CNA учун қўлланиладиган ёндашувлар тасвиранган.

**1-расм. Салоҳиятни ривожлантириш эҳтиёжларини баҳолаш ва таҳлил қилиш жараёни**



Манбаатдор томонларнинг салоҳиятга бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилиш мақсадида барча тегишли манбалардан маълумот тўплаш учун турли хил маълумотларни йиғиш ўсуллари қўлланилди:



Кабинет тадқиқотида норматив-ҳуқуқий ҳўжжатлар, миллий ва тармоқ стратегиялари, ривожланиш дастурлари, тегишли ҳисоботлар ва бошқа ҳўжжатларни таҳлил қилиш орқали маълумот тўплаш учун фойдаланилган бўлса, бирламчи манбалардан чуқур маълумот олиш учун интервью ва сўровнома ўтказиш каби бошқа ўсуллардан фойдаланилди.

## Сўровнома ва респондентлар

Ўзбекистоннинг профессионал таълимида СТ тизими бир нечта даражадаги кўплаб иштирокчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятига асосланганлиги сабабли, уч грухга мансуб манбаатдор томонлар ўртасида сўровнома ўтказилди:

1. Республика даражасидаги давлат бошқарув органлари: профессионал таълимни бошқариш ва кўникмаларни ривожлантириш билан шуғулланувчи вазирликлар, идоралар ва институтлар
2. Ҳудудий давлат бошқарув органлари: Олий таълим, фан ва инновациялар вазиригининг 14 та ҳудудий бошқармалари
3. Профессионал таълим муассасалари (провайдерлар): давлат касб-ҳунар мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва техникумлари.

**Профессионал таълим сифатини таъминлашда Республика ва ҳудудий давлат бошқарув органлари ташки иштирокчилар сифатида, профессионал таълим провайдерлари эса ички иштирокчилар сифатида фаолият юритади.**

1-жадвалда ҳар бир грухдаги сўровнома иштирокчилари ҳақида маълумот келтирилган.

Сўровнома маълумотларини тўплаш учун онлайн сўровнома ўтказиш воситасидан (яъни Kobo Toolbox) фойдаланилди.

Сўровномага қўшимча равишда ҳужжатлар таҳлили, асосий манфаатдор томонлар билан интервьюолар ва фокус-гурӯҳ муҳокамалари ўтказилди.

#### 1-жадвал. Сўровноманинг мақсадли аудиторияси ва респондентлар

Профессионал таълим соҳасидаги асосий иштирокчи гурӯҳлар	Асосий манфаатдор ташкилотлар	Жавоблар
Вазирлик ва идоралар	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	65
	Маданият ва туризм вазирлиги	
	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	
	Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти	
	Меҳнат бозори тадқиқотлари институти	
Худудий бошқарув органлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг худудий бошқармалари	30
Профессионал таълим муассасалари	Касб-хунар мактаблари	800
	Коллежлар	
	Техникумлар	
<b>ЖАМИ</b>		<b>895</b>

## Салоҳиятни ошириш эҳтиёжларини баҳолаш натижалари

Кейинги бобларда Ўзбекистонда мавжуд СТ тизими таҳлил қилинади, СТ тизимида асосий иштирокчиларнинг ўрни ва вазифалари қиёсий кўриб чиқилади, СИТ ва СТТ кесимида асосий манфаатдор томонларнинг салоҳиятини ривожлантириш эҳтиёжларини баҳолаш натижалари келтирилади ҳамда шу асосда салоҳиятни ошириш эҳтиёжлари устуворлиги белгиланади ва саҳолиятни ошириш тадбирларини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Шуни таъкидлаш лозимки, СИТ ва СТТ табиий равишда ўзаро боғлиқ ва бир-бирига асосланган тизимлар ҳисобланади. Шу боис, улар яхлит тизим сифатида ривожланади ва улардан бирининг ўзгариши табиий равишда иккинчисига таъсир қиласи.

### Таълим сифатини таъминлашнинг амалдаги тизими

Ўзбекистонда сифатни таъминлаш тизими йиллар давомида ислоҳ қилиниб келмоқда. Энг сўнгги концептуал ўзгариш 2019 йилда янги профессионал таълим тизими ва сифатни таъминлаш тизимига ўтиш, миллий малакалар рамкасининг жорий этилиши ва таълим натижаларидан фойдаланишни рағбатлантириш билан бошланди. Қуйидаги учта муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши профессионал таълимнинг ва үндаги СТнинг янги институционал асосини яратди:

№	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	Тизим даражасида ўзгаришлар
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармони	<ul style="list-style-type: none"><li>Профессионал таълим бўйича уч босқичли табақалаштирилган янги тизим жорий этилди: бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус;</li><li>Миллий профессионал таълим тизими ММР ва Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) билан уйғунлаштирилди;</li><li>Мамлакат иқтисодиётининг алоҳида тармоқларини ривожлантиришга масъул бўлган тегишли вазирлик ва идораларга профессионал таълим муассасаларини бириктириш йўли билан профессионал таълимни ҳамкорликда бошқариш тизими жорий этилди.</li></ul>
2.	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасаларини ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат	<ul style="list-style-type: none"><li>Сифат мезонлари ва стандартлари, жараёнлар ва тартибларни ўз ичига олган янги ташқи СТ тизими жорий этилди;</li><li>Сифатни ички ва ташқи таъминлаш ўртасидаги боғлиқлик белгиланди;</li></ul>

	аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сон Қарори.	<ul style="list-style-type: none"> <li>Сифатни ошириш ва ҳисобдорлик тамойилларининг устуворлиги белгиланди.</li> </ul>
3.	Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон	<ul style="list-style-type: none"> <li>Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги таълимга оид тарқоқ нормалар ягона Қонунда бирлаштирилди ва Қонун таълимдаги сўнгги ўзгаришларга мувофиқ таҳрирланди; <ul style="list-style-type: none"> <li>Таълим соҳасидаги янги ташаббуслар киритилди;</li> <li>Асосий субъектларнинг (Вазирлар Маҳкамаси, таълим вазирликлари, бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар) аниқ роли ва вазифалари белгиланди;</li> <li>Таълимда “ҳуқуққа асосланган” ёндашув киритилди;</li> <li>Катталар таълими, умр давомида таълим, инклузив таълим, давлат-хусусий шериклик, нодавлат провайдерларни лицензиялаш каби янгидан киритилган тушунчаларнинг ҳуқуқий асослари ўрин олди;</li> <li>Муайян эҳтиёжлар ва контексларни ҳисобга олган ҳолда таълимни янада кенг қамровли ва мослашувчан қилишга қаратилган янги нормалар киритилди.</li> </ul> </li> </ul>

Мехнат бозорининг ҳозирги ва истиқболли талабларига жавоб берадиган, мослашувчан профессионал таълим тизимини яратиш ислоҳотларнинг мантиқий асосини ташкил этади.

Шуни эътироф этиш жоизки, манфаатдор томонларда энг яхши халқаро тажрибаларга мувофиқ сифатни таъминлаш тизимини такомиллаштириш жараёнларини жадаллаштириш бўйича катта ҳоҳиш ва қатъиятлилик мавжуд, бироқ бу ўзгаришларни тўлиқ амалга ошириш маълум вақт талаб этади. Бундан ташқари, давлат бошқарув тузилмаларини децентрализация ва консолидация қилиш орқали давлатнинг иқтисодиётдаги ўрнини оптималлаштиришга қаратилган сўнгги маъмурий

ислоҳотлар сифатни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш учун кенг имкониятлар яратмоқда<sup>1</sup>.

**Профессионал таълимдаги жорий СТ тизими назорат ва мувофиқликка асосланган эски совет “юқоридан пастга” қараб назорат қилиш тизимидан сифатни таъминлашда профессионал таълим муассасаларининг масъулиятини оширишга қаратилган янги тизимга ўтиш даврида турибди.** Бироқ, СТ тузилиши, жараёнлари ва тартиблари ҳали ҳам давлат томонидан бошқариладиган тизим сифатида шаклланиб қолмоқда.

#### *Сифат ва сифатни таъминлаш тушунчаси*

Сифат ва сифатни таъминлаш тушунчалари норматив-хуқуқий ҳужжатларда аниқ шакллантирилмаган ва таъриф берилмаган. “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, давлат таълим стандартлари таълимнинг мазмуни ва сифатига нисбатан белгиланадиган давлат талаблари мажмумини англатади (3-модда).

СТ тизимининг мазмуни 3, 58 ва 59-моддаларда акс эттирилган: “Аттестация - таълим ташкилотлари фаолиятини давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлигининг давлат томонидан эътироф этилиши” (3-модда), “...Аттестация икки босқичда — таълим ташкилотлари фаолиятини ички баҳолаш ва ташқи баҳолаш босқичларида амалга оширилади. Ички баҳолаш таълим ташкилотининг ўзини ўзи баҳолашидир. Таълим муассасасига давлат аккредитацияси мақоми аттестация натижаларига кўра берилади...” (58-модда) ва “Таълим ташкилотларининг фаолияти ташқи баҳолашдан ўтказилишидан олдин улар Таълим инспекцияси томонидан ишлаб чиқилган аттестациядан ўтказиш мезонлари ва кўрсаткичлари асосида ўз фаолиятини мустақил равишда ички баҳолашдан ўтказади...” (59-модда).

Бу шуни кўрсатадики, профессионал таълимдаги СТ тизими ташқи давлат назорати томонидан шакллантирилади ва бошқарилади. Бу профессионал таълим провайдерларидан давлат таълим стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тўлиқ риоя қилишларини талаб қиласи ва ички СТ мақсадларини етарлича тан олмайди, шунинг учун профессионал таълим муассасалари ҳали ҳам СИТга ўzlари масъуллигини ҳис қилмайдилар.

Амалдаги СТ тизими, асосан, давлат таълим стандартларини белгилаш ва давлат таълим стандартларига мувофиқлигини тасдиқлаш орқали профессионал таълим сифатини таъминлашга қаратилган. Профессионал таълимда сифатни таъминлаш қўйидаги механизmlар орқали амалга оширилади:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистонда маъмурӣ ислоҳотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/6324756> (2023 йил 15 февралда кўрилган).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-14-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/6324756> (2023 йил 15 февралда кўрилган).

- нодавлат профессионал таълим мұассасаларини лицензиялаш;
- янги таълим дастурларини тасдиқлаш;
- профессионал таълим мұассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан үтказиш.

Шундай қилиб, мавжуд сифат ва сифатни таъминлаш тушунчалари асосан давлат томонидан белгиланади ва таълим мұассасалари ва бошқа манфаатдор томонлар (масалан, иш берувчилар) бунда камроқ иштирок этадилар. Шу сабабли, манфаатдор томонларнинг сифатни таъминлаш соҳасидаги салоҳиятини ошириш бўйича келгуси тренинглар сифат ва сифатни таъминлашнинг замонавий тушунчалари ва тамойилларига қаратилиши лозим.

#### *Таълим сифатини таъминлашда турли манфаатдор томонларнинг иштироки*

Ўзбекистонда профессионал таълим тизими юқори даражада марказлашган бўлиб, турли даражаларда (масалан, республика, маҳаллий ва профессионал таълим даражасида) бир нечта субъектлар иштирок этади. 2-жадвалда иштирокчилар ва уларнинг профессионал таълим сифатини таъминлашдаги ўрни ҳақида маълумотлар келтирилган.

#### **2-жадвал. Профессионал таълимда сифатни таъминлаш тизимининг асосий иштирокчилари**

№	Иштирокчилар	Вазифалар
1	Вазирлар Маҳкамаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;</li> <li>- таълим соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;</li> <li>- педагог кадрлар сифатига оид сиёsat бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;</li> <li>- ташқи сифатни таъминлаш қоидалари ва тартибларини белгилайди (масалан, аттестация ва аккредитация, лицензиялаш, мониторинг, ўқитувчиларни баҳолаш, малакани тан олиш);</li> <li>- меҳнат бозори талабларини прогнозлаш ва таҳлил қилиш асосида таълим ташкилотларида кадрлар тайёрлаш бўйича давлат қабул квоталарини шакллантиради;</li> <li>- таълим ташкилотларига қабул қилиш қоидалари ва тартибларини тасдиқлайди;</li> <li>- педагог кадрларга оид давлат сиёсатини амалга оширади;</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- таълим ташкилотларига қўйилган моддий-техник, инфратузилма ва параметрик талабларни белгилайди.</li> </ul>
2	Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича кенгаш <sup>2</sup>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- меҳнат бозорининг касбий-малакавий тузилмасини монторинг қилиш, баҳолаш ва стратегик режалаштириш тизимини такомиллаштириш орқали малакали кадрларга бўлган жорий ва истиқболли эҳтиёжни қондириш;</li> <li>- касбий стандартлар, тармоқ малака рамкалари ва малака талабарининг ишлаб чиқилиши ҳамда янгилаб борилишини ташкил этиш;</li> <li>- малака ва билимларни баҳолаш миллий тизимининг тан олинишини таъминлаш;</li> <li>- касбий малаканинг мослашувчан, изчил ва узлуксиз ривожланишини таъминлаш;</li> <li>- малака ва билимларни тасдиқлаш ва аккредитация (сертификация) тизимини жорий этиш;</li> <li>- иш берувчи талабарининг таълим дастурлари мазмуни билан ўзаро боғлиқлигини кучайтириш орқали таълимнинг сифатини ошириш.</li> </ul>
3	Тармоқ малака кенгашлари <sup>3</sup>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- иқтисодиёт тармоқларининг малака ҳамда билимларга бўлган эҳтиёжлари ва тенденцияларини аниқлаш;</li> <li>- тармоқлар малака доираларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштириш;</li> <li>- касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;</li> <li>- олдинги таълимни тан олиш (яъни норасмий ва информал ўқитишнинг натижаларини тан олиш, валидация ва</li> </ul>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4939-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/5203490> (2023 йил 19 февралда кўрилган).

<sup>3</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 сентябрдаги “Касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 616-сон Қарори.”, <https://lex.uz/docs/566446> (2023 йил 10 февралда кўрилган).

		<p>аккредитация қилиш тизимини шакллантириш, шу жумладан, малакаларни баҳолаш марказлари фаолиятини ташкил қилиш);</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ёшларни касбга йўналтириш ва касблар тарғиботи бўйича ахборот материалларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш;</li> <li>- хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторига ўзгартеришлар ва қўшимчалар киритиш ва меҳнатга ҳақ тўлашга оид меъёрларни аниқлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</li> </ul>
4	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>- профессионал таълим соҳасида давлат сиёсатини юритиш;</li> <li>- профессионал таълим ташкилотларининг ўқув фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарлик қилиш;</li> <li>- профессионал таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, янгилаш ва тасдиқлаш;</li> <li>- профессионал таълим соҳалари, мутахассисликлари ва касблари таснифини тасдиқлаш;</li> <li>- ўқув дастурларини тасдиқлаш;</li> <li>- талабаларнинг билим, кўнинма ва малакаларини баҳолаш тартибини белгилаш;</li> <li>- таълим жараёнига ўқитишнинг илфор шакллари, янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг техник ва ахборот воситаларини жорий этилишини таъминлаш;</li> <li>- профессионал таълим ташкилотларининг раҳбар ва педагог кадрларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;</li> <li>- профессионал таълим ўқитувчиларининг касбий ривожлантириш тадбирларини ташкил этиш;</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари реестрини белгилаш;</li> <li>- педагог кадрлар сифатини мониторинг қилиш ва баҳолаш: ўқитувчиларнинг малака даражасини аниқлаш, ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш ва ўқитувчиларга малака тоифалари бериш, ўқитувчиларни баҳолаш асосида ўқитувчиларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш*;</li> <li>- профессионал таълим муассасалари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари ҳамда таълим дастурларининг ташки сифатини таъминлаш (аккредитация, лицензиялаш, аудит) *.</li> </ul>
5	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш;</li> <li>- Вазирлик тузилмасидаги мономарказлар ва касб-хунарга ўқитиш марказларининг ўқув фаолиятини мувофиқлаштириш;</li> <li>- хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари реестрини белгилаш;</li> <li>- касбий маҳорат ва билимларни ривожлантириш тизимини мониторинг қилиш;</li> <li>- малакаларни баҳолаш марказлари фаолиятини аккредитациялаш ва мониторинг қилиш;</li> <li>- касбий стандартларни тасдиқлаш ва касбий стандартлар миллий реестрини юритиш.</li> </ul>
6	Бошқа тегишли вазирликлар <sup>4</sup>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- техникумларни моддий ва молиявий таъминлаш;</li> <li>- техникум талабалари учун ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш бўйича зарур шарт-шароитлар яратилиши ва уларни</li> </ul>

<sup>4</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 466-сон Қарори., <https://lex.uz/uz/docs/4945840> (23 йил 10 февральда кўрилган).

		<p>корхоналарга ишга жойлаштириш чораларини кўриш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- талабаларда касбий компетенцияларни шакллантириш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш;</li> <li>- кадрлар тайёрлаш йўналишларини белгилаш (бириктирилган олий таълим муассасалари билан биргалиқда);</li> <li>- таълим дастурларини ишлаб чиқиш (бириктирилган олий таълим муассасалари билан биргалиқда);</li> <li>- битирувчиларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш.</li> </ul>
7	Олий таълим муассасалари <sup>5</sup>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- олий таълим муассасаси ҳузурида фаолият юритаётган техникумларни бошқариш;</li> <li>- техникумнинг директор лавозимига номзодларни тавсия этиш;</li> <li>- таълим олувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш;</li> <li>- меҳнат бозорида мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга кўмаклашиш (масъул вазирлик ёки идора билан биргалиқда);</li> <li>- техникумнинг таълим жараёнига ўқув-методик кўмаклашиш (масъул вазирлик ёки идора билан биргалиқда).</li> </ul>
5	Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти	<ul style="list-style-type: none"> <li>- профессионал таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш;</li> <li>- кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларининг ўқув режасини ишлаб чиқиш;</li> <li>- профессионал таълим муассасаларининг раҳбар ва педагогик ходимларининг малака ошириш фаолияти бўйича электрон портфолио юритиш;</li> <li>- аттестация комиссиялари фаолиятини ташкил этиш.</li> </ul>

<sup>5</sup> Ўша жойда.

6	Маҳаллий давлат бошқарув органлари (ҳокимиятлар)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- маҳаллий меҳнат бозори таҳлили асосида қабул квоталарини ва касблар рўйхатини белгилаш;</li> <li>- профессионал таълим соҳасида давлат-хуссий шерикликни ривожлантириш ва хуссий провайдерлар тармоғини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш;</li> <li>- профессионал таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.</li> </ul>
7	Иш берувчилар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиша иштирок этиш;</li> <li>- талабаларга амалий машғулотлар ва амалиёт ўташ имкониятини бериш орқали бевосита ишлаб чиқариша касбга ўқитиши ташкил этиш бўйича таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласди;</li> <li>- талабаларни баҳолашда иштирок этади.</li> </ul>
8	Профессионал таълим муассасалари	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўқув жараёнини ташкил этиш;</li> <li>- ўқув жараёни графигини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;</li> <li>- бириктирилган вазирлик ёки идора ва ОТФИВ билан келишилган ҳолда тўлов-контракт миқдорини белгилаш;</li> <li>- таълим муассасасида ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқув ва малакавий амалиётларни, хусусан корхоналарда тизимли асосда ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш;</li> <li>- иш берувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш;</li> <li>- ўқитувчилар ва амалиёт ўқитувчиларининг малакасини ошириш фаолиятини мувофиқлаштириш.</li> </ul>

\* Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясидан ўтказилган янги функциялар

Ўзбекистонда яқинда амалга оширилган маъмурий ислоҳотлари муносабати билан мустақил сифатни таминлаш органи бўлган Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси тугатилиб, унинг вазифалари иккита таълим вазирлиги –

Мактабгача ва мактаб вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ўтказилди<sup>6</sup>.

Гарчи сифатни таъминлаш тизими аниқ роллар ва вазифаларга эга бўлган ҳамда фнкцияларида баъзи такрорланишлар мавжуд бўлган кўплаб манфаатдор томонлардан иборат тармоқни ўз ичига олса-да, ҳамкорликдаги тарқоқлик, гурухлараро (иштирокчилар ўртасидаги) ҳамкорликнинг йўқлиги ҳамда профессионал таълим тизимининг бошқаруви натижага эмас, балки ресурсларга асосланганлиги сабабли тармоқдаги қониқиши даражаси нисбатан пастлигича қолмоқда (Renold, Caves & Zubovic, 2022).

Ташқи сифатни таъминлаш нуқтаи назаридан фнкцияларни оптимал тақсимланишига эришиш ҳамда вазифаларни ҳаддан ортиқ кўп иштирокчилар ўртасида тақсимланишини камайтириш мақсадида СТ тизимида жорий иштирокчиларнинг ўрни, функция ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш лозим. Шу ўринда, таълим сифатини таъминлашга масъул ягона мустақил ташкилот ташкил этилиши, унинг ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш масаларини кўриб чиқиш долзарб бўлиб қолмоқда.

### ***Сифат мезонлари ва стандартлари***

Мавжуд сифат мезонлари, стандартлари ва кўрсаткичлари профессионал таълим муассасаларининг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, замонавий педагогик ва технологик инновацияларни жорий этиш, ўзини ўзи баҳолаш ва унинг самарадорлигини таъминлаш бўйича иш берувчилар билан ҳамкорлик қилишини қўллаб-қувватлайди. Бошқа томондан эса, сифат мезонлари ва стандартлари амалиётда ташқи сифат назорати ва мувофиқлик механизmlарига таяниб қолмоқда ҳамда профессионал таълим муассасаларининг сифат учун масъулиятни ўз зиммасига олишига ёрдам берадиган муҳим стандартларни эътибордан четда қолдиряпти. Бундан ташқари, сифатни ташқи таъминлаш мезонлари ва тартиблари профессионал таълим муассасаларига ўзларининг сифатни ички таъминлаш тизимини ишлаб чиқишида ёрдам бериш учун ҳеч қандай восита ёки кўрсатмаларни тақдим этмайди. Ўзини ўзи баҳолашнинг жорий этилиши замонавий сифатни таъминлаш сари ўтишда муҳим қадам бўлса-да, у фақат сифатни ташқи таъминлашни ўзида акс эттиради, ҳисобот бериш ва ташқи эксперталарнинг ташрифига тайёргарлик кўриш учун хизмат қиласи. Шунинг учун, амалдаги СТ профессионал таълим муассасаларини мустақил равишда ўз фаолиятига баҳо бериш, эришилган ютуқларни таҳлил қилиш, камчиликлар ва мұаммоларни аниқлаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, фаолиятини янада такомиллаштириш

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/6324756> (2023 йил 15 февралда кўрилган).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-14-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/6324756> (2023 йил 15 февралда кўрилган).

бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда ўқув ва бошқа фаолият сифатини доимий равишда оширишга ундамайди.

#### *Таълим сифатини таъминлаш тизимининг хусусиятлари*

Ўзбекистоннинг жорий СТ тизими “юқоридан пастга” тамойилига асосланган назорат қилиш тизимидан замонавий тизимга ўтиш даврини бошидан кечирмоқда. Аттестация ва аккредитация тизимини тacomиллаштириш орқали СТГа биринчи қадамлар қўйилган бўлса-да, тизимнинг тузилмаси, ривожланиши ва тартиблари ҳали ҳам давлат томонидан бошқариладиган тизимнинг жуда кўп хусусиятларини ўзида сақлаб қолмоқда. Шу боис, амалдаги тизимда ҳамон ҳақиқий мустақиллик ва шаффоффик етарли даражада шаклланмаган. **СТ тизими манфаатдор томонлар томонидан эгалик қилинадиган мустақил ва шаффофф тизимга айлантирилиши учун ислоҳ қилиниши керак.** Бу тизимда сифатни узлуксиз яхшилашга қаратилган сифат маданияти ва ўзаро ишончга асосланган ҳисобдорлик ўртасида мувозанат ўрнатилиши лозим.

Истиқболда янада барқарор СТ тизимини шакллантиришда профессионал таълим муассасаларига ўз миссияларини шакллантириш, ўзларининг стратегик танловларини амалга ошириш ҳамда ички ва ташқи манфаатдор томонлар билан СТ билан боғланган ўзларининг СИТ тизимларини ишлаб чиқиш учун имконият берилиши ва бу борада уларнинг салоҳияти оширилиши лозим. Шу тарзда, улар том маънода сифатнинг ҳақиқий эгасига айланадилар ва ўзлари томонидан ишлаб чиқилган СТ учун кўпроқ масъулиятни ҳис қиласдилар ҳамда СИТ мақсадларини белгилашда ва жорий этишда ички ва ташқи манфаатдор томонлар иштирокидан кўпроқ манфаатдор бўладилар.

## Таълим сифатини таъминлаш: таърифи ва мақсадлари

Сифатни таъминлаш - бу кутилаётган сифатни (аниқ белгиланган ва ўлчанадиган) етказиб берилишини таъминлаш учун механизмлар, тартиблар ва жараёнлар мавжудлигини таъминлаш.

(Church, 1988)

Сифатни таъминлаш - бу профессионал таълимнинг сифатини оширишни таъминлашга қаратилган механизмлар, тартиб-қоидалар ва жараёнлар мавжудлиги ҳамда самарали йўлга қўйилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун белгиланган чора-тадбирлар мажмуаси.

(ETF, 2015)

Сифатни таъминлаш:

- битирувчиларнинг малака ва кўниқмалари тўғрисида меҳнат бозорини хабардор қиласди;
- муайян минимал сифат талабларига риоя этилишини кафолатлади;
- берилган квалификация белгиланган мақсадга мувофиқлигини таъминлади;
- давлат маблағларининг самарали сарфланаётганлигидан далолат беради;
- профессионал таълим муассасаларини таълим хизматлари сифатини ошириш фаолиятини қўллаб-қувватлади;
- манфаатдор томонлар ўртасида ишончни шакллантиради.

Сифатни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ўз-ўзидан сифатнинг бўлишини кафолатламайди, балки сифатга эришиш учун зарур бўлган механизмлар, тартиблар ва жараёнлар мавжудлиги ва самарали йўлга қўйилганлигини таъминлади ҳамда бу орқали **якуний мақсад** - профессионал таълимнинг сифатини таъминлаш ва оширишга эришилишини таъминлади. Сифатли профессионал таълим (i) меҳнат бозори, жамият ва индивидуал эҳтиёжларга жавоб беради; (ii) миллий даражада тан олинган малакага эришишни таъминлади; (iii) муносиб ишга жойлашишни таъминлади; (iv) жозибадор ва инклюзив ҳамда (v) умр давомида таълим олиш имкониятларини яратади ва ривожлантиради (ETF, 2015).

*Шуни таъкидлаш лозимки, “Quality Assurance” атамасини бошқа тилларга таржима қилиш бироз эҳтиёткорлик талаб этади. Таржима қилинган атама турли хил маъноларга эга бўлиши мумкин ва бутун жараённи бошқача тушунишга олиб келиши мумкин. Шу боис, “Quality assurance” атамасининг ўзбек тилида “сифат кафолати” ёки “сифат назорати” деб эмас, балки “Сифатни таъминлаш” деб таржима қилиниши тавсия қилинади.*

## **Таълим сифатини ташқи таъминлаш ва салоҳиятни ошириш эҳтиёжлари**

Профессионал таълимда сифат асосан масъул давлат органлари томонидан давлат таълим стандартларини белгилаш ва ушбу стандартларга риоя этилиши орқали таъминланади ҳамда бу қўйидаги жараёнлар орқали амалга оширилади:

- Нодавлат профессионал таълим муассасаларининг таълим фаолиятини лицензиялаш;
- Профессионал таълим муассасалари аттестацияси (яъни, ташқи баҳолаш) ва давлат аккредитацияси;
- Профессионал таълим муассасаларининг фаолияти мониторинги;
- Янги таълим дастурларини тасдиқлаш.

**Сифатни ташқи таъминлаш** - бу профессионал таълим муассасаларининг фаолияти ёки дастурларини белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолаш бўйича сифатни таъминлашга масъул ташқи органнинг ҳатти-ҳаракатларини англаатади.

**Профессионал таълимнинг давлат таълим стандартлари** ҳар бир таълим соҳаси учун ишлаб чиқилиб<sup>7</sup>, Ўзбекистонда давлат томонидан профессионал таълимнинг мазмуни ва сифатига нисбатан белгиланадиган умумий талаблар мажмунини белгилайди (“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси). Давлат таълим стандартлари тузилмаси муайян таълим соҳасининг умумий тавсифи, битирувчиларнинг касбий фаолияти тавсифи, битирувчиларнинг умумий ва касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар, ўқув режалари тузилмаси ва уларга қўйиладиган талаблар, шунингдек ўқув юкламалари ҳажми, таълим дастурини ўзлаштиришга қўйилган талаблар ва битирувчиларни баҳолашни ўз ичига олади. Давлат таълим стандартлари касбий стандартлар асосида ишлаб чиқилади ва таълим соҳасининг малака талаблари, намунавий ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Профессионал таълим муассасалари ОТФИВ томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режаси асосида ўзларининг ишчи ўқув режаларини ишлаб чиқадилар: уларга ўқув юкламасининг ҳафталик ҳажмини сақлаган ҳолда ўқув фан (модул)лари блоки ҳамда блоклар таркибидаги фан (модул)ларга ажратилган соатлар ҳажмини 20% гача ўзгартиришга рухсат этилади. Профессионал таълим муассасалари иш берувчилар билан келишилган ҳолда ўқув жараёни графиги ва амалиётларни ўтказиш вақтини соҳадаги мавсумийлик ҳамда ҳудуднинг ва касбнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб мустақил ишлаб чиқади.

Ўзбекистоннинг жорий СТТ тизими учта асосий жараёндан иборат: лицензиялаш, янги дастурларни тасдиқлаш, аттестация ва давлат аккредитацияси. Улар қўйидаги жадвалда кўрсатилган:

<sup>7</sup> ОТФИВнинг 20.02.2020 йилдаги 131-сон бўйруғи билан тасдиқланган “Профессионал таълим йўналишлари, мутахассисликлари ва касблари классификатори”да жами 22 та таълим соҳалари мавжуд.

	Лицензиялаш	Янги таълим дастурларини тасдиқлаш	Таълим муассасалари аттестацияси ва давлат аккредитацияси
СТТнинг мақсади	Профессионал таълим муассасасини ташкил этиш	Янги таълим дастурларини амалга ошириш	Профессионал таълим муассасаси фаолиятининг давлат таълим стандартлари ва давлат талабларига мувофиқлигини давлат томонидан эътироф этилиши
Масъул давлат органи	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ОТФИВ</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Вазирлар Маҳкамаси</li> <li>• ОТФИВ</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ОТФИВ</li> </ul>
Натижা	Таълим фаолиятини юритиш ҳуқуқи	Таълим дастурини амалга ошириш ва квалификация бериш ҳуқуқи	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабаларни ўқишига қабул қилиш ҳуқуқи;</li> <li>• Битирувчиларга давлат намунасидаги таълим тўғрисидаги ҳужжатларни бериш ҳуқуқи</li> </ul>

**Профессионал таълимнинг сифатни ташқи таъминлаш тизими унинг асосий таркибий қисмларини ташкил этувчи олтида соҳа кесимида таҳлил қилинди:** сифатни ички таъминлаш тизимини тан олиш ва қўллаб-қувватлаш, СТТ стандартлари ва жараёнларини ишлаб чиқилганлиги, СТТ жараёнларининг амалиётга жорий этилиши, эксперталар томонидан баҳолаш, баҳолаш натижалари ва оқибатлари ҳамда ҳисобот ва кейинги фаолиятни мониторинг қилиш.

Ҳар бир соҳа унинг мұхим томонларини ифодалайдиган ва ўлчайдиган элементлардан (яъни баёнотлардан) иборат бўлиб, респондентлардан сифатни таъминлаш бўйича ташқи жараёнлар ва тартибларни тавсифловчи баёнотларга қай даражада қўшилишлари ҳақида саволларга жавоб бериш сўралди. З-жадвалда сифатни ташқи таъминлашнинг соҳалари ва элементлари ҳақида маълумотлар берилган.

### З-жадвал. Ташқи сифатни ташқи таъминлашнинг асосий соҳалари

Соҳалар	Элементлар
Қуйидаги фикрларга қай даражада қўшиласиз ёки қўшилмайсиз?	
<b>Таълим сифатини ички таъминлашнинг ўрни</b>	

Таълим сифатини ташқи таъминлаш - бу асосан вазирлик ва идоралар томонидан таълим муассасалари фаолиятининг белгиланган талабларга мувофиқлигини назорат қилишга қаратилган жараён

Таълим сифатини ташқи таъминлаш - бу асосан профессионал таълим муассасасининг кўрсатаётган таълим хизматлари сифати учун масъулиятини ошириш орқали таълим сифатини янада яхшилашга қаратилган жараён

Таълим сифатини ташқи таъминлашда таълим сифатини ички таъминлаш жараёнларининг самарадорлиги ҳисобга олинади

Профессионал таълим муассасалари учун таълим сифатини таъминлашга ва уларнинг ҳисобдорлигига аниқ талаблар белгиланган

#### **СТТ стандартлари ва жараёнларининг ишлаб чиқилганлиги**

Таълим сифатига қўйилган талаблар миллий даражада (Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлик) белгиланади ва маҳаллий даражада татбиқ этилади  
Профессионал таълимда таълим сифатига қўйилган минимал талаблар белгиланган

Таълим сифатини ташқи таъминлашнинг барча тартиб-қоидалари миллий мақсадлар ва вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилган ва белгиланган

Барча манфаатдор томонлар, хусусан иш берувчилар таълим сифатини ташқи таъминлаш процедураларини ишлаб чиқиш ва доимий равища такомиллаштиришда иштирок этадилар

#### **СТТ жараёнларининг амалиётга татбиқ этилиши**

Таълим сифатини ташқи таъминлашнинг тартиб-қоидалари барча учун ягона (бир хил), олдиндан белгиланган, фойдали ва ишончли ҳамда эълон қилинган

Сифатни ташқи таъминлаш тизими таълим муассасасининг фаолияти натижалари ва кейинги фаолияти тўғрисида аниқ ва ишончли маълумотларни олишга ёрдам беради

Сифатни ташқи таъминлаш профессионал даражада, шаффоф ва мантиқий кетма-кетликка амал қилинган тарзда амалга оширилади

#### **Экспертлар томонидан баҳолаш**

Таълим сифатини ташқи баҳолаш таркиби ишберувчилар, таълим олувчилар ва мустақил экспертлардан иборат бўлган ташқи эксперталар гурӯҳи томонидан амалга оширилади

Таълим сифатини ташқи таъминлашда иштирок этадиган экспертлар ўз вазифаларини сифатли амалга ошириш учун зарур бўлган билим ва кўникумаларга эга

#### **Баҳолаш натижалари ва оқибатлари**

Таълим сифатини баҳолаш натижалари бўйича қарор қабул қилиш аниқ далилларга асосланган ҳолда, барча томонидан бир хил талқин қилинадиган аниқ ва олдиндан маълум бўлган мезонлар асосида амалга оширилади


#### **Ҳисобот ва кейинги фаолиятни мониторинг қилиш**

Таълим сифатини таъминлаш сиёсатини самарали амалга оширилишини мониторинг қилиш бўйича шаклланган тизим йўлга қўйилган

Таълим сифатини ташқи таъминлаш жараёнлари, хусусан унинг натижалари ташқи баҳолашдан ўтказилган таълим муассасалари ва таълим дастурлари сифатининг яхшиланишига сезиларли даражада таъсир қиласди.

Ўзбекистоннинг жорий СТ тизими ҳали ҳам ўтиш даврини бошдан кечириб, самарали СТТ тизимини ташкил этувчи барча соҳалар кесимида такомиллаштириш бўйича тизимли ёндашувнинг йўқлигидан азият чекмоқда. Сўровнома натижалари СТТ тизимининг ҳозирги ҳолати барча соҳалар бўйлаб қониқарли ҳолатда эмаслигини кўрсатмоқда (1-диаграмма): ўртача самарадорлик 5 баллдан 2,94 бални ташкил этмоқда ва ҳар бир соҳа бўйича баллар 1 (қатъий рози эмасман) дан 5 (тўлиқ розиман) гача бўлган шкалада 2,9 - 3,1 оралиғига тўғри келмоқда. Респондентлар СТТ нинг асосий соҳалари бўйича турли даражада қониқиш ҳиссига эга эканликларини маълум қлишган: улар ички сифатни таъминлашнинг эътироф этилиши, СТТ стандартлари ва жараёнларининг ишлаб чиқилганилиги, СТТ жараёнлари натижалари ва оқибатлари билан боғлиқ сиёсатдан кўпроқ қониқаётганликларини билдиришган.


**1-диаграмма. СТТ соҳалари ўртасидаги фарқлар**



*Сўнгги беш йил ичida сифатни ташқи таъминлаш методологиялари (стандартлар ва жараёнлар) бир неча маротаба такомиллаштирилган бўлса-да, улар ҳанузгача ташқи сифат назорати ва мувофиқликка қаратилган ҳамда сифатни доимий такомиллаштиришда манфаатдор томонларнинг иштироки паст бўлиб қолмоқда. Мавжуд сифат мезонлари, стандартлари ва кўрсаткичлари професионал таълим муассасаларининг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, замонавий педагогик ва технологик инновацияларни жорий этиш, ўзини ўзи баҳолаш ва унинг самарадорлигини баҳолаш бўйича иш берувчилар билан ҳамкорлик қилишини қўллаб-қувватлайди.*

Бошқа томондан эса, сифат мезонлари ва стандартлари амалиётда ташқи сифат назорати ва мувофиқлик механизмларига, маълумотлар ва хужжатлар тўғрилигини текширишга (масалан, таълим олувчилар билимини ташқи баҳолаш, битирувчилар бандлигини текшириш) таяниб қолмоқда ҳамда профессионал таълим муассасаларининг сифат учун масъулиятни ўз зиммасига олишига ёрдам берадиган муҳим стандартларни (миссия, мақсад ва стратегияларни ишлаб чиқиш, таълим жараёни ва сифатни ички таъминлаш тизимининг барча босқичларида иш берувчиларни жалб қилиш, ўқув дастурлари самарадорлигини доимий мониторинг қилиш) эътибордан четда қолдирмоқда (2-диаграмма).


### 2-диаграмма. СТТ стандартлари ва жараёнлари



Хулоса қилиш мумкинки, СТТ стандартлари ва жараёнлари мақсадга мувофиқ ишлаб чиқилмаган ҳамда жорий СТТ жараёнлари профессионал таълим муассасаларига сифатга эгалик масъулиятини ўз зиммаларига олиши бўйича имкониятларини кенгайтиришга ёрдам бермайди.

Сифатни ташқи таъминлаш тизими профессионал таълим муассасаларининг сифатни таъминлаш бўйича ички тартиб-қоидаларини эътироф этади ва уларнинг сифатни таъминлаш бўйича масъулиятига аниқ талабларни белгилайди (3-диаграмма). Профессионал таълим муассасалари мунтазам равишда ўзини ўзи баҳолашни ўtkazib туришлари шарт ва ўзини ўзи баҳолаш ҳисоботларини тақдим этиш давлат аккредитациясига ариза беришнинг (яъни аккредитациядан ўтишнинг) зарурий шарти ҳисобланади.

### З-диаграмма. СТТ стандартлари ва жараёнлари




Бирок, СИТ ва СТТ ўртасидаги боғлиқлик кўпроқ назарий характерга эга бўлиб қолмоқда. Амалда, СИТ методологияси, воситалари ва жараёнлари СТТ томонидан бошқарилмоқда, чунки СИТ том маънода СТТни ўзида акс эттиради (яъни, ўзини ўзи баҳолаш давлат аккредитацияси мезонлари ва стандартларига мувофиқ амалга оширилиши лозимлиги, ўзини ўзи баҳолаш ҳисботлари фақат сифатни ташқи таъминлаш органига ҳисобдорлик тариқасида тақдим этилиши ва кенг жамоатчилик фойдаланиши учун ҳеч қаерда нашр этилмаслиги), ҳисбот бериш ва ташқи эксперталарнинг ташрифига тайёргарлик кўриш учун хизмат қиласи. Шунинг учун СТТ професионал таълим муассасаларини мустақил равишда ўзларининг барча фаолиятини баҳолаш, эришилган ютуқларини таҳлил қилиш, камчиликлар аниқлаш, фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда ўқув ва бошқа фаолият сифатини доимий равишда оширишга ундумайди. Бундан ташқари, ташқи сифатни таъминлаш мезонлари ва тартиблари професионал таълим муассасаларига ўзларининг ички сифат тизимини ишлаб чиқишида ёрдам бериш учун ҳеч қандай восита ёки кўрсатмаларни тақдим этмайди.

Шу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, професионал таълим муассасалари ҳали етарли тажриба ва салоҳиятга эга эмаслиги ҳамда улар илгаридан юқори даражада марказлашган муҳитда (яъни таълим жараёнларини ташкил этиш ва олиб бориш тартиблари юқори даражада стандартлаштирилган бўлиб, вазирлик томонидан ишлаб чиқилган ва професионал таълим муассасаларига фойдаланиш учун тайёр ҳолда етказилган) ишлашга ўрганганлиги боис, ҳозирги шароитда сифатни ташқи таъминлашга масъул ташкилот СТ бўйича катта масъулиятни ўз зиммасига олишига тўғри келмоқда. Бундан ташқари, сифатни таъминлаш ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш ва текшириш билан боғлиқ бўлиб, ҳар қандай турдаги кўзбўямачилик ва ёлғон маълумот тақдим этиш

холатлари далилларга асосланган холис қарорлар қабул қилишга имкон бермайды ва мустақил сифатни баҳолашга бўлган ишончни йўқ қиласди. Шу сабабли, ушбу ҳолат сифатни ташки таъминлашга масъул ташкилот СТда асосий ўрин эгаллаганлиги, СИТ етарли даражада мустақил эмаслиги ва аксарият ҳолларда СТГа сезиларли даражада қарам эканлиги тўғрисида таассурот ҳосил қилмоқда.

**Таълим сифатини баҳолаш бўйича хulosса чиқариш ва қарор қабул қилиш аниқ, олдиндан маълум бўлган, барчага эълон қилинган ва шаффоф мезонларга асосланган бўлсада, ташки баҳолаш натижасида олинган хulosалар аниқ далилларга асосланмаган ва ҳар доим ҳам изчил қўлланилмайди ҳамда таълим сифатини янада яхшилашга ундумайди.** Сўровномада 71 % респондентлар таълим сифатини ташки таъминлаш ва унинг натижалари таълим муассасаларида сифатнинг яхшиланишига сезиларли даражада таъсир қилмаслигини таъкидлашган (4-диаграмма). Таълим муассасаси фаолиятини баҳолашга жалб этилган эксперплар одатда етарли билим ва кўникумаларга эга эмаслиги ҳамда ушбу соҳада малакаси оширилмаганлиги сабабли, улар томонидан тақдим этилган хulosалар саёз ва юзаки бўлади. Амалиётда эксперплар груҳига номзодлар профессионал таълим муассасаларининг раҳбар кадрлари ва педагоглари орасидан танлаб олинади ҳамда иш берувчилар ва таълим олувчилар каби муҳим манбаатдор томонлар жалб этилмайди.

#### 4-диаграмма. СТТ жараёнлари ва натижалари



Шу сабабли, эксперплар груҳи таълим сифатини ҳар томонлама ва кенг доирада яхшилашга етарли даражада фикр бера олмайди ва сифатни таъминлашга ўз ҳиссасини

кўша олмайди. Бундан ташқари, мутахассислар учун мустақил эксперт сифатида ишлаш жозибадор эмас, чунки экспертларнинг хизмати учун сифатни ташқи таъминлашга масъул ташкилот ҳақ тўламайди<sup>8</sup>. Ўз навбатида, ташкилотлар ҳам бундай жараёнлар учун ўз ходимлари номзодини таклиф қилишдан манфаатдор эмас, сабаби уларнинг ходимлари иш вақтининг бир қисмини ташқи баҳолашга бағишлишига тўғри келади ҳамда ходимларнинг ташқи баҳолаш билан боғлиқ хизмат сафари харажатлари уларнинг асосий иш жойи маблағлари ҳисобидан қопланishi белгиланган. Бу омилларнинг барчаси экспертларнинг сифатни таъминлашдаги ўрнининг заифлашишига ва профессионал таълим муассасаларининг экспертлар томонидан тақдим этилган хulosалардан қониқмаслигига сабаб бўлмоқда.

Ташқи баҳолаш ҳисботи профессионал таълим муассасаси учун фаолиятини тақомиллаштириш бўйича кейинги чора-тадбирларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади. Бироқ мутахассислар томонидан тақдим этилган саёз ва сифатсиз хulosат таълим ташкилотининг кейинги ҳаракатлари учун фойдали бўлган кўрсатма ва тавсияларни бермайди. Таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш ҳисботлари одатда вазирлик ва тегишли профессионал таълим муассасасига юборилади, лекин ҳисботлар жамоатчиликка эълон қилинмайди ва ташқи ҳамкорлар учун очик бўлмайди. Ушбу амалиёт СТТга нисбатан шаффоффлик ва ишончнинг пасайишига олиб келади.

---

<sup>8</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида” ги 470-сонли Қарорига биноан ташқи баҳолаш пайтида эксперт комиссиялари аъзоларининг саёҳат харажатлари уларнинг асосий иш берувчиси томонидан қопланади ва эксперт сифатида ишлашга ажратилган вақт тўлиқ ставкада ишлаётган ходимнинг иш вақтининг қисқаришига олиб келмайди.

## Профессионал таълимда сифатни таъминлашнинг Европа контексти

Дунёнинг турли миңтақалари, шу жумладан Европа, Тинч океани ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (ASEAN) миңтақада професионал таълим сифатини яхшилаш учун ўзларининг миңтақавий таълим сифатини таъминлаш рамкаларини яратишган ҳамда бу орқали аҳоли бандлигини ошириш, ижтимоий инклузияни ривожлантириш ва барча учун ҳаёт давомида таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга эришишни жадаллаштириш мақсад қилинганд.

**Европа касбий таълим ва касбга ўқитишда сифатни таъминлаш рамкаси (EQAVET)** Европа мамлакатларида професионал таълимни доимий равища тақомиллаштиришни қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилишда ёрдам берадиган умумий ёндашувларни яратишга қаратилган муваффақиятли ташаббуслардан биридир.

2009 йил июнь ойида Европа парламенти ва Европа Иттилоқи Кенгаши “**Европа парламенти ва Кенгашининг Европа касбий таълим ва касбга ўқитишда сифатни таъминлаш рамкасини (EQAVET) ташкил этиш бўйича тавсиясини**” қабул қилдилар.

EQAVET орқали Европа бўйлаб **касбий таълим провайдерларининг шаффоғлиги, изчиллиги ва тан олинишини** ошириш орқали професионал таълим сифатини яхшилаш учун таълим сифатини таъминлашнинг умумий рамкасини яратиш **мақсад қилинганд**. Мазкур рамка професионал таълим провайдерлари учун сифатни таъминлаш сиёсати ва амалиётларини тақомиллаштириш, мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича умумий тавсияларни тақдим этади.

### EQAVET қўйидагилардан иборат:

- режалаштириш, амалга ошириш, баҳолаш ва қайта кўриб чиқиш каби циклардан иборат таълим сифатини таъминлаш рамкаси;
- сифат мезонлари, индикатив дескрипторлар ва тавсиявий индикаторлар (самарадорликни тасдиқлайдиган далиллар билан таъминловчи ўлчов воситалари).

Рамка тизим даражасида, таълим муассасаси даражасида ва малака бериш даражасида қўлланилади. EQAVET сифат ўлчови ва миқдорий таҳлил воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда ички ва ташқи баҳолаш, қайта кўриб чиқиш ва тақомиллаштириш жараёнларини бирлаштириш орқали таълим сифатини мониторинг қилиш ва янада яхшилашга катта эътибор беради.



Қонунчиликка кўра, сифатни ташқи таъминлаш үзлуксиз жараён бўлиб, у ҳисобот ва хulosани тақдим этиш билан якунланмайди. Бироқ, амалиётда сифатни ташқи таъминлаш жараёни одатда ҳисобот ва хulosани тақдим этиш ҳамда ташқи баҳолаш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва эксперталар томонидан берилган тавсиялар асосида таълим хизматлари сифатини янада ошириш бўйича профессионал таълим муассасасининг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш билан якунланади. Профессионал таълим муассасаси ичидаги кейинги ҳаракатлар ва охирги ташқи баҳолашдан жараёнидан кейин эришилган ютуқлар сифатни ташқи таъминлашга масъул ташкилот томонидан камдан-кам ҳолларда мониторинг қилинади.

Хулоса қилишимиз мумкинки, EQAVET тамойиллари ва стандартларига мувофиқ ишончли, самарали ва шаффофт тизимини ишлаб чиқиш қўйидагиларни талаб қиласди:

- профессионал таълим тизимида сифатни ташқи таъминлашнинг ўрнини қатъий белгилаш;
- ҳисобдорлик ва сифатни янада яхшилаш ўртасидаги оптимал мувозанатни ўрнатиш;
- сифатни ташқи таъминлашнинг барча жараёнларига масъул бўлган ягона ташкилотни белгилаш;
- профессионал таълим муассасаларининг сифатни ички таъминлаш тизимига бўлган ишончини кучайтириш;
- барча манфаатдор томонларни сифатни таъминлаш жараёнларига жалб қилиш;
- EQAVETни таълим сифатини таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва самарали йўлга қўйишда ёрдам берувчи ва йўналтирувчи йўриқнома сифатида қабул қилиш;
- профессионал таълим тизимининг асосий кўрсаткичларини мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқиш.

Қўйидаги жадвалда ислоҳотлар жараёнида эътиборга олиниши мумкин бўлган салоҳиятни ошириш эҳтиёжлари/фаолиятлари ҳақида умумий маълумот берилган:

Замонавий СТТ тизимининг тамойиллари	Салоҳиятни ошириш эҳтиёжлари/тадбирлари
Профессионал таълим муассасалари таълим хизматлари сифатини таъминлаш бўйича асосий масъулиятни ўз зиммаларига оладилар	<ul style="list-style-type: none"> <li>■ Профессионал таълим муассасаларининг ўз миссиялари ва стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги, шу жумладан таълим хизматлари сифатини таъминлашдаги автоном масъулиятини ошириш;</li> <li>■ таълим сифатини таъминлаш жараёнида манфаатдор томонлар иштироқи даражасини баҳолаш;</li> </ul>

<p>Сифатни ташқи таъминлаш тизими сифат маданиятини ривожлантиришга ёрдам беради</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ СТТ сифат маданиятини шакллантириш, сифатни ошириш ва сифатни назорат қилиш механизмларини ривожланишига ҳисса қўшишини таъминлаш учун ОТФИВ ва бошқа масъул марказий ташкилотларнинг салоҳиятини ошириш.</li> </ul>
<p>Сифатни таъминлаш таълим олувчилар, иш берувчилар, бошқа барча манфаатдор томонлар ва жамиятнинг эҳтиёжлари ва умидларини ҳисобга олади</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ ОТФИВ ва бошқа масъул ташкилотларнинг профессионал таълим муассасаларида барча манфаатдор томонлар СИТ жараёнларига жалб қилингандигини баҳолаш бўйича салоҳиятини ошириш.</li> </ul>
<p>СТТ тизими мустақиллик, манфаатдор томонларнинг иштироки, мустақил эксперталар томонидан баҳолаш, шаффоффлик ва ошкоралик тамоилларига асосланади</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Манфаатдор томонларнинг қучли иштироки, мустақил эксперталар томонидан баҳолаш, шаффоффлик ва ошкоралик асосланган мустақил СТТ тизимини яратиш;</li> <li>▪ ҳисобдорлик ва сифатни яхшилаш ўртасидаги мувозанатни таъминлаш орқали СТТ кўламини кенгайтириш: СТТ профессионал таълим муассасаларига фаолиятини такомиллаштириш бўйича мұҳим тавсиялар беришига, шунингдек, профессионал таълим сифати бўйича жамиятни холис ва ишончли ахборот билан таъминлашига эришиш.</li> </ul>
<p>Сифатни таъминлашга масъул ташкилот мустақил бўлиб, ўз ҳаракатларини амалга ошириш ва қарорлар қабул қилишини автоном ҳолда амалга оширади. Унинг фаолияти ва фаолият натижаларига учинчи томон таъсир эта олмайди ва ҳар бир ҳаракати учун тўлиқ масъулиятни ўз зиммасига олади</p>	<p>Иштирокчиларнинг аниқ жавобгарлиги ва функциялари белгиланган СТТ тизимининг янги органиграммаси қўйидагилардан иборат бўлиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• сифатни таъминлаш бўйича мустақил фаолият юритувчи ва қарор қабул қилувчи (таълим сифатини таъминлаш жараёнлари, тартиблари, мезонларини ишлаб чиқиши ҳамда холис эксперталарнинг</li> </ul>

	<p>фикрларини инобатга олган ҳолда якуний қарор қабул қилиш) масъул орган;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• миллий СТ ташкилотининг функциялари ва вазифалари, ваколатлари, ташкилий тузилмаси, молиялаштирилиши ва бошқалар;</li> <li>• ҳар бир манфаатдор томоннинг аниқ масъулияти ва функцияларини акс эттирган, шунингдек тақрорланувчи функциялардан ҳоли бўлган СТ тизимининг янги ташкилий тузилмаси (бунда вазифа ва функцияларни ҳаддан ортиқ иштирокчилар ўртасида тақсимланишини олдини олиш ва ягона мустақил сифатни таъминлаш органининг мавқенини мустаҳкамлаш жуда муҳим).</li> </ul>
СТТ жараёнлари шаффоф, ишончли, фойдали, изчил амалга оширилади ва уларнинг натижалари таълим ташкилотларига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади	<ul style="list-style-type: none"> <li>■ Илғор хориж тажрибаси асосида таълим ташкилотларини аккредитациялаш, экспертларни тайинлаш ва малакасини ошириш, таълим фаолиятини баҳолаш учун жойларга ташриф буюриш, экспертлар хулосаларини тайёрлаш, қарорлар қабул қилиш, кейинги фаолият мониторинги ва апелляциялар билан боғлиқ жараёнларни такомиллаштириш.</li> </ul>
СТТ - бу узлуксиз жараён бўлиб, ташқи баҳолашдан сўнг таълим ташкилотининг ўз фаолиятини такомиллаштириш бўйича кейинги ҳаракатлари ва эришилган ютуқларини даврий мониторинг қилишни ўз ичига олади	<ul style="list-style-type: none"> <li>■ Профессионал таълимда миллий, маҳаллий ва таълим муассасаси даражасида мониторинг тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.</li> </ul>

## Таълим сифатини ички таъминлаш ва салоҳиятни ошириш эҳтиёжлари

**Сифатни ички таъминлаш тизими унинг асосий таркибий қисмларини ташкил этувчи еттита соҳа призмасида таҳлил қилинди:** профессионал таълим

**муассасасининг сифатни таъминлаш сиёсати, таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ўқитиш ва баҳолаш, ўқитувчилар, таълим ресурслари, мониторинг ва баҳолаш ҳамда иш берувчилар билан ҳамкорлик.**

Ҳар бир соҳа унинг муҳим томонларини ифодалайдиган ва ўлчайдиган элементлардан (яъни баёнотлардан) иборат бўлиб, респондентлардан сифатни таъминлаш бўйича жараёнлар ва тартибларни тавсифловчи баёнотларга қай даражада қўшилишлари ҳақида саволларга жавоб бериш сўралди. 4-жадвалда сифатни ички таъминлашнинг соҳалари ва элементлари ҳақида маълумотлар берилган.

#### **4-жадвал. Сифатни ички таъминлаш соҳалари**

Соҳалар	Элементлар
	<i>Қўйидаги фикрларга қай даражада қўшиласиз ёки қўшилмайсиз?</i>
<b>Таълим муассасасида сифатни таъминлаш сиёсати</b>	<p>Таълим муассасаси сифатни таъминлашга қаратилган сиёсатга эга</p> <p>Таълим муассасаси таълим сифатини таъминлаш бўйича шаффоф ва функционал сиёсатни олиб боради</p> <p>Таълим сифатини таъминлаш сиёсати таълим сифатини доимий яхшилашга ёрдам беради</p> <p>Таълим муассасаси раҳбарияти ва педагоглари таълим сифати бўйича масъулиятни ўз зиммаларига оладилар ва таълим муассасининг барча бўғинларида сифатни таъминлаш жараёнларида иштирок этадилар</p>
<b>Таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш</b>	<p>Ўқув дастурлари иш берувчилар ва бошқа манфаатдор томонларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқилади</p> <p>Таълим муассасасида ишчи ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш бўйича салоҳият (малакали ходимлар) мавжуд</p> <p>Таълим муассасасида ишчи ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш бўйича жараёнлар (тартиб, ишчи гуруҳ) мавжуд ва фаолият юритади</p> <p>Ўқув режа ва дастурлар ташқи экспертизадан (иш берувчилар ва/ёки иш берувчилар уюшмалари) ўтказилади</p>
<b>Ўқитиш ва баҳолаш</b>	<p>Таълим олувчилар билим ва кўникмаларини баҳолаш жараёни ўқувчиларга керакли компетенциялар қай даражада шаклланганлигини намойиш этиш имконини беради</p> <p>Ўқувчилар эгаллаган билим ва кўникмалари фақатгина малака талабларига мувофиқ келган тақдирда, уларга диплом берилади</p>
<b>Педагоглар</b>	<p>Ўқитувчилар дарс берадиган фанлари бўйича ишлаб чиқаришда иш тажрибасига эга</p> <p>Таълим муассасаси ходимларни ишга олиш ва касбий ривожлантиришда адолатли ва шаффоф жараёнларга амал қиласи</p>

Таълим муассасаси ўқитиша инновацион ёндашувларни ва янги технологиялар қўллашни рағбатлантиради

### Таълим ресурслари

Таълим ресурслари замонавий ва мақсадга мувофиқ, улардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд ҳамда талабалар улар ҳақида етарли маълумотга эга

### Иш берувчилар билан ҳамкорлик

Иш берувчилар ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иштирок этади

Таълим муассасаси билан ҳамкорлик қиласидиган аниқ иш берувчилар мавжуд

Корхоналар таълим муассасаси билан ҳамкорлик қиласиди

Таълим бевосита ишлаб чиқаришда ҳам ташкил этилади (амалиёт, стажировка ёки бошқа шаклларда)

Ишлаб чиқаришда (иш жойида) таълим/амалиётни ташкил этиш учун ўқув дастури мавжуд


Бевосита иш жойида ўқитиши/амалиётни ташкил этиш бўйича ўқув дастури амалда қўлланилади

### Мониторинг ва фаолияти самарадорлигини даврий равишда қайта кўриб чиқиш

Таълим сифатини таъминлаш сиёсатини самарали амалга оширилишини мониторинг қилиш бўйича яхши йўлга қўйилган тизим мавжуд.

**Амалдаги институционал даражадаги сифатни таъминлаш тизимида барча асосий соҳаларга эътибор ва уларнинг муҳимлиги бир текис тақсимланмаган бўлиб, таълим сифатини ички таъминлашга ёндашув тор доирада шаклланган ва эътироф этилмоқда.** 5-диаграммада СИТнинг еттига соҳа бўйича баҳолаш натижалари келтирилган. Ҳар бир соҳа 5 баллик шкалада (1 - қатъий норозиман, 5 - тўлиқ қўшиламан) баҳоланган: ўртacha самарадорлик 5 баллдан 3,14 баллни ташкил этмоқда ва ҳар бир соҳа бўйича баллар 2,9 - 3,3 оралиғига тўғри келмоқда. Респондентлар СИТнинг асосий соҳалари бўйича турлича тасаввурга эга: улар таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ўқитувчилар таркиби ва сифати, ўқитиши ва баҳолаш билан боғлиқ сиёсатдан кўпроқ хабардор эканликлари ва қониқишлигини билдиришган. Бошқа томондан, таълим сифатини ички таъминлашнинг иш берувчилар билан ҳамкорлик, мониторинг ва баҳолаш ҳамда таълим ресурслари каби муҳим жиҳатлари нисбатан паст баҳоланган, бу эса институционал даражадаги сифатни таъминлаш сиёсати кенг қамровли эмаслигидан далолат бермоқда.

### 5-диаграмма. СИТ соҳалари ўртасидаги фарқлар



Гарчи профессионал таълим муассасаларининг аксарияти сифатни таъминлаш сиёсатига эга эканлигини таъкидлашган бўлсада, улар буни тор маънода тушунишмоқда ва бу сиёсат турли сифатни ички таъминлаш жараёнлари ва тузилмалари орқали амалда қўлланилмайди. Респондентларнинг 90 фоизи профессионал таълим муассасасида сифатни таъминлаш сиёсати мавжуд ва у масъул шахс (57%) ва/ёки масъул орган (34%) томонидан ишчи гурӯхларни шакллантириш орқали амалга оширилишини эътироф этишган (6-диаграмма).

### 6-диаграмма. Таълим сифатини таъминлаш сиёсати



Респондентлардан сифатни ички таъминлаш жараёнларининг амалга ошириш ҳолати тўғрисида маълумот бериш сўралганда, уларнинг ярмидан кўпи ушбу жараёнлар ҳали амалга оширилмаган деб ҳисоблашини маълум қилган (7-диаграмма). Масалан,

респондентларнинг 16 фоизи сифатни баҳолаш бўйича қўлланма ва қўрсатмаларга эга эмаслигини, 21 фоизи эса буни амалга оширишни режалаштираётганини таъкидлашган.

### 7-диаграмма. Сиз ишлаётган таълим мұассасасида таълим сифатини таъминлаш тизимини жорий этилиш ҳолатига баҳо беринг



CNA натижалари асосида салоҳиятни ошириш бўйича тадбирлар ташкил этилишини инобатга олиб, СИТни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларини қўйидаги тарзда умумлаштириш мумкин:

- Ташқи мажбуриятга асосланган тизимдан ички мотивацияга асосланган тизимга ўтиш;
- Таълим сифатини ташқи назорат билан эмас, балки ички эгалик ҳиссини шакллантириш орқали таъминлаш;
- Ташқи назоратга таянган бошқарув ёндашувидан ички сифат маданиятига асосланган фаолиятни доимий такомиллаштириш ёндашувига ўтиш;
- Сифатни таъминлаш фақат тор доирадаги иштирокчилар вазифаси эмас, балки барча иштирокчиларнинг масъулияти;
- Сифатни таъминлашда фақатгина вазирлик тавсиялари ва йўриқномалари билан чекланиб қолмасдан, барча даражадаги манфаатдор томонларнинг иштирокини ва ҳиссасини таъминлаш лозим;
- Алоҳида чора-тадбирлар ва ҳаракатлардан таълим сифатини бошқарувининг тизимли ва яхлит ёндашувига (TQM) ўтиш;
- Кўз бўямачиликка берилмасдан ҳақиқий ҳолатни ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали сифатни таъминлаш;

- Ташқи кўринишни чиройли қилиб кўрсатишдан воз кечиб, ўзини ўзи танқидий баҳолаш орқали ички мўкаммалликка эришишга ҳаракат қилиш;
- Таълим сифатини таъминлаш бўйича ҳаракатларни қоғоздаги назариядан жонли амалиётга айлантириш;
- Иштирокчилар ўртасидаги ишончсизликка барҳам бериб, ўзаро ишончга асосланган самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Профессионал таълим тизимида самарали СИТни жорий этиш, биринчи навбатда, СИТни тизимли равишда ривожланишига имкон берадиган ва таълим муассасаларида сифатга эгалик ҳиссини шакллантирадиган мұхитни яратишни талаб қиласи. Таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда профессионал таълим муассасаларининг мұстақиллигини ошириш, шунингдек, профессионал таълим муассасасининг ўзига хос эҳтиёжларига мос келадиган сифатни ички таъминлаш тизимини яратиш бўйича ҳатти-ҳаракатларини рағбатлантириш ислоҳотларнинг мұхим устувор йўналиши бўлиши лозим. Бундай шароитда профессионал таълим муассасаси иш берувчилар билан ҳамкорликда таълим сифати нимадан иборатлиги ҳақида фикр юритиши ва СИТ мақсадларини белгилаши мүмкін. Охир-оқибат, СИТ тизимини манфаатдор томонлар иштирокида такомиллаштириш профессионал таълим сифатини таъминлаш ва яхшилаш учун мұхим бўлган сифат маданиятини шакллантириш имкониятини яратади.

Таҳлилларга асосланиб, профессионал таълим тизимида қўйидаги фундаментал ўзгаришлар содир бўлиши керак деган хуносага келиш мүмкін:

Сифат ва СТ ҳақида эски қарашлар	Сифат ва СТ ҳақида янги қарашлар	Салоҳиятни ошириш
Сифат мутлақ ва қатъий	Сифат нисбий ва кўп қиррали ўзгарувчан тушунча	Сифат ва СТ тушунчалари иштирокчилар ўртасида бир хил тушунилиши ва талқин этилиши учун давомли тренинглар ва салоҳиятни ошириш тадбирлари ташкил этилиши лозим.
Битта стандарт устун ҳисобланади ...	Сифатни баҳолаш кўп жиҳатларга эга	Салоҳиятни ошириш бўйича тадбирларда СТнинг ҳар бир жиҳатига эътибор қаратилиши лозим.
ва таълим муассасаси томонидан белгиланган	Асосий манфаатдор томонларни/мижозларнинг эҳтиёжларига асосланган	Ташқи манфаатдор томонларни таълим жараёнларига қандай қилиб яқинлаштириш ва уларнинг

		бу борадаги салоҳиятини оширишга эътибор қаратиш лозим.
СТда энг муҳими якуний маҳсулот ҳисобланади ва унинг сифати назорат қилиниши керак	Якуний натижага эришишни таъминлайдиган жараёнлар ҳам жуда муҳим Сифат - бу самарали йўлга қўйилган ва бошқариладиган жараёнларнинг натижаси	Таълим натижаларини меҳнат бозори талабларига мувофиқлигини ва кутилган сифат даражасига эришишни таъминлайдиган тартиб ва жараёнларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича салоҳиятни ошириш лозим.
Сифат сифат бўлими томонидан назорат қилинади	Сифат барчанинг вазифаси	СТ жамоавий саъӣ-ҳаракатлар мажмудан иборат эканлигини англаб этиш бўйича салоҳиятни ошириш. Жараёндаги ҳар бир иштирокчининг салоҳиятини ривожлантириш.

Қўйидаги жадвалда дунёдаги энг яхши тажрибаларга мувофиқ самарали СИТ тизимини яратишда эътиборга олиниши мумкин бўлган салоҳиятни ошириш эҳтиёжлари/тадбирлари ҳақида умумий маълумот берилган:

Самарали СИТ тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш босқичлари	Салоҳиятни ошириш эҳтиёжлари/тадбирлари
СИТни ишлаб чиқишга юқори раҳбариятни жалб қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>■ СИТ тизимининг қамрови ва кўламини белгилаш (институционал даражада, таълим дастури даражасида ва бошқалар);</li> <li>■ Стратегияни ишлаб чиқиш, мақсадларни белгилаш, SWOT таҳлилини ўtkазиш;</li> <li>■ Сифатни яхлит бошқариш (TQM) тамойилларини тушуниб этиш;</li> </ul>


	<ul style="list-style-type: none"> <li>СТ сиёсати ва унинг мақсадларини бошқа жараёнлар билан (таълим сиёсати, молия, инсон ресурсларини бошқариш ва бошқ.) боғлиқлини таъминлаш.</li> </ul>
СИТ тизимини жорий этишнинг асосий жараёнларини аниқлаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Таълим натижаларини қандай шакллантириш, ўқув дастурини нима учун ва қандай ишлаб чиқиш, ўқитиш методикалари ва баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш ва ҳоказо;</li> <li>Кутинган сифат мақсадларига эришилганлигини ўлчаш учун асосий кўрсаткичларни, вазифалар тақсимотини, иштирокчиларни ва муддатларни белгилаш;</li> <li>Жараёнларга тааллуқли хавф ва имкониятларни аниқлаш.</li> </ul>
СИТ тизимини режалаштириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Мавжуд тизим ва жорий этилиши режалаштирилаётган янги тизим ўртасидаги бўшлиқларни аниқлаш;</li> <li>Иш мұхитини ташкил қилиш;</li> <li>Инсон, молиявий ва моддий-техник ресурсларни белгилаш ва тақсимлаш.</li> </ul>
СИТ тизимини ҳужжатлаштириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларига мувофиқ жараёнларни бошқариш ва ҳужжатларлаштириш;</li> <li>СИТ ва СТТ талабларини ўйғунлаштириш.</li> </ul>
СИТ тизимини жорий этиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>СИТ цикли жараёнларини, яъни амалга ошириш, мониторинг ва баҳолаш тадбирларини мувофиқлаштириш ва бошқариш;</li> <li>СИТ тизимининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ходимларни мунтазам малакасини ошириш.</li> </ul>
СИТ тизимини бошқариш ва самарадорлиги баҳолаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Фаолият самарадорлигини бошқариш ва мониторинг қилиш;</li> <li>Жараён самарадорлигини текшириш;</li> <li>Манфаатдор томонларнинг қониқишига эътибор қаратиш;</li> <li>СИТ ва СТТ бўйича фаолиятни баҳолашни ташкил этиш.</li> </ul>
СИТ тизимини такомиллаштириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Мустақил экспертларни жалб қилган ҳолда фаолият самарадорлигини баҳолаш ва баҳолаш натижалари</li> </ul>

- |  |                                                                                                                                                     |
|--|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|  | <p>асосида янада такомиллаштириш чораларини кўриш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>■ Хизмат кўрсатишда мукаммалликка интилиш.</li> </ul> |
|--|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

## Салоҳиятни ошириш бўйича тадбирларга қандай ёндашиш керак

Салоҳиятни ошириш тадбирларида катта ёшдагиларнинг малакасини оширишнинг турли усуслари ва шаклларидан фойдаланиш мұхим ҳисобланади. 8-диаграммада респондентларнинг тренингларда салоҳиятни оширишнинг қайси шаклларига эътибор қартиш тўғрисидаги жавоблари кўрсатилган: кўпчилик билимларни тушуниш ва ҳаётда қўллай олиш бўйича амалий машқлар қилишни хоҳлайди (53,7%), бошқалари эса чуқурроқ ўрганишни ва кўпроқ назарий маълумот олишни афзал кўради (49,2%), баъзи одамлар учун эса ўрганилган нарсаларни амалда синаб кўришни мұхим деб ҳисобланади.

**8-диаграмма. Тренингларда қўлланиладиган салоҳиятни ошириш шаклларига респондентлар томонидан берилган устуворлик**




9-диаграмма салоҳиятни ошириш бўйича тренингларда қайси соҳаларга эътибор бериш бўйича қарор қабул қилишга ёрдам беради. Унда салоҳиятни ошириш тадбирларини режалаштиришда ва ишлаб чиқишида эътибор қартиш лозим бўлган таълим сифатини таъминлаш соҳалари кўрсатилган. Респондентлар сифатни таъминлашниң деярли барча мұхим соҳаларида кўпроқ билим ва кўнижмаларга эга бўлишни афзал кўришган ҳамда энг кўп эътироф этилган бешта мавзу қўйидагилардан иборат: манфаатдор томонларни жалб қилиш (58,2%), таълим сифатини ички таъминлаш (54,8%), янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиши (46,6%), ўқув жараёнини ташкил этиши (41,8%) ва таълим сифатини ташқи таъминлаш (37,7%).

**9-диаграмма. Салоҳиятни ошириш тадбирларининг долзарбилиги**  
 (муҳум деб эътироф этган респондентлар улуши)



Гурӯҳ тренингларда тизим иштирокчиларининг барча гурӯҳлари одатда қатнашганлиги сабабли, қўйидаги расмда кўрсатилганидек, билим эгаллаш циклининг барча босқичлари тренингларда тўғри тақсимланган бўлиши керак.




Сўровнома натижалари ҳам шуни тасдиқлайдики, тренинг иштирокчилари кутилган билим ва кўнікмаларни тўлиқ ўзлаштириши учун эксперементал ўрганиш

циклиниң барча босқичларидан ўтишлари керак. Иштирокчилар экспериментал үрганиш цикли бўйлаб барча босқичлардан ўтгандан сўнг, тренингда эгалланган билим ва кўникмалар уларни ҳаракатга чоралайди, ишга бўлган янгича ёндашув ва муносабатни шакллантиради.

Бундан ташқари, тажриба орқали үрганиш ижтимоий муносабатларни ҳам ривожлантиради. Ишда ёки тренингларда ҳамкаслари билан фикр ва билим алмашиш орқали иштирокчилар ўзларининг хатти-ҳаракатлари ва бу борада бошқа одамларнинг ёндашуви ҳақида қўшимча маълумотлар ва билимларга эга бўладилар.

**10-диаграмма. Сизнинг ҳоҳишингиз ва имкониятингизни ҳисобга олган ҳолда, салоҳиятни ошириш бўйича тадбирларнинг қўйида келтирилган давомийлигининг қайси бири Сизга кўпроқ маъқул келади?**



Салоҳиятни ошириш тадбирларининг маъқул келадиган давомийлиги профессионал таълим тизимининг турли даражадаги иштирокчилари ўртасида фарқ қиласи (10-диаграмма). Хусусан, сўровномада профессионал таълим мұассасалари вакиллари тренинг давомийлигини бир ҳафта (38%) ва уч кун (29%) бўлишини, республика ва вилоят даражасидаги профессионал таълим субъектлари вакиллари эса бир кун ва уч кун бўлишини афзал кўришларини таъкидлашган.

## Хулоса ва тавсиялар

Тадқиқот натижаларининг таҳлиллари асосида Ўзбекистонда таълим сифатини таъминлаш тизими асосан ташқи давлат назорати ҳамда давлат таълим стандартлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш орқали шакллантирилганлиги ва бошқарилганлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

**Сўнгги йилларда таълим сифатини таъминлаш тизимини сифат назорати ва ресурсларга йўналтирилган шаклдан сифатни ошириш ва натижага йўналтирилган шаклга ўтиш орқали модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилган бўлиб, бунда таълим сифати, уни таъминлаш ва доимий яхшилаш бўйича асосий масъулият профессионал таълим муассасалари зиммасида бўлиши кўзда тутилган. Таълим сифатини таъминлашнинг ички ва ташқи тизимлари бир-бирига ўзаро боғланган ҳамда бу орқали ҳисобдорлик ва сифатни янада яхшилаш ўртасидаги мувозанатнинг таъминлаши белгиланган.**

Бироқ, ушбу саъй-ҳаракатларнинг ўзи етарли бўлмай, улар тизимда бир қатор фундаментал ўзгаришларни амалга оширишни талаб қиласди. *Биринчидан*, жорий сифатни ички таъминлаш тизими ўзида асосан сифатни ташқи таъминлаш тизимининг асослари ва үстуворликларини акс эттиради. Тизимда сифатни ички таъминлаш учун маълум имконият мавжуд бўлса-да, унинг асослари ва методологияси сифатни ташқи таъминлаш томонидан бошқарилади ва профессионал таълим муассасалари сифат учун эгалик ҳиссини том маънода ҳис қилмайди. *Иккинчидан*, барқарор сифатни таъминлаш тизимининг яна бир муҳим хусусияти бўлган таълим сифатини ички ва ташқи таъминлаш тизимларининг мустақиллигини таъминлаш миллий таълим сифатини таъминлаш тизимини яратишда жуда муҳим ҳисобланади. Бу тизим ва унинг асосий иштирокчилари ҳар қандай учинчи шахслардан мустақил эканлигини англаатади. Сифатни таъминлаш тизими таълим сифатини баҳолаш холислигини ҳамда қарорлар аниқ даллилларга асосланган, адолатли ва асосли қабул қилинишини кафолатлаши керак. *Учинчидан*, сифатни таъминлаш тизими, унинг мақсадлари, методологиялари ва натижалари барча манфаатдор томонлар (таълим оловчилар, ўқитувчилар, профессионал таълимни бошқариш органлари, иш берувчилар, миллий ва ҳудудудий даражадаги бошқарув органлари) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиши ҳамда барча манфаатдор томонлар ва жамиятнинг эҳтиёжлари ва умидларини ҳисобга олиши керак. Ва *ниҳоят*, профессионал таълим тизимининг барча даражаларида тўлиқ таълим сифатни таъминлаш цикли жорий этилиши керак. Сифатни таъминлаш тизими сифатни яратишнинг бутун жараёнига сарфланган ресурслар ва натижалар ўртасида шаклланган қўшилган қиймат нуқтаи назаридан қараши керак.

Тадқиқот натижалари асосида қайси соҳаларда салоҳиятни ошириш бўйича тадбирлар ва тренинглар зарурлиги ҳамда қайси соҳаларга зудлик билан эътибор қаратиш кераклиги тўғрисида қўйидаги хулосалар чиқарилди.

**Устувор йұналиш №1. Халқаро әътироф этилган таълим сифатини таъминлаш стандартлари ва йүриқномалари асосида таълим сифатини таъминлаш тизимини такомиллаштириш (хусусан, EQAVET)**

Таълим сифатини таъминлаш бўйича салоҳиятни ривожлантириш тадбирлари дунёда әътироф этилган энг яхши тажрибаларга (хусусан, EQAVET) мувофиқ ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Профессионал таълим тизимининг асосий манфаатдор томонлари ҳали ҳам замонавий сифатни таъминлаш (ички ва ташқи) ҳақида тўлиқ тушунчага эга эмас. Тизим жуда яхши ва миллий қонунчиликка мувофиқ ишлаётган бўлса-да, сифатни таъминлашнинг баъзи жиҳатлари тизимни “юқоридан пастга” тамойили асосида ташкил этилганлик таассуротини бермоқда, яъни бунда республика даражасидаги бошқарув органи профессионал таълим муассасасини сифатни ички таъминлаш бўйича назорат механизmlари билан таъминлайди ва профессионал таълим муассасалари унга риоя қилиши керак. Сифатни ички таъминлаш тизимини жорий этиш учун, аввало, профессионал таълим муассасаси кўрсатаётган таълим хизматлари сифати учун стратегик масъулиятини ўз зиммасига олиши бўйича етарли салоҳият ва имкониятларга эга бўлиши керак. Агарда сифатни таъминлаш асосан ташқи мажбурият деб ҳисобланса ва ҳис қилинса, таълим сифатини таъминлаш бўйича ички мотивацияни ривожлантириш қийин. Замонавий ёндашувда сифатни ички таъминлаш ва ташқи таъминлаш ўртасидаги боғлиқлик миллий стандартлар, мезонлар, таълим натижалари орқали таъминланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий ва профессионал таълим ташкилоти даражасидаги аралаш иштирокчилар гурухи учун салоҳиятни ошириш тадбирларини ташкил этиш зарурати мавжуд. Бундай табдирларда улар сифатни таъминлашнинг замонавий тамойилларини яхшироқ тушуниш устида биргаликда ишлайдилар.

**Устувор йұналиш №2. Профессионал таълим муассасаларида сифатни ички таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш**

Профессионал таълим муассасаларини турли конференциялар, семинарлар, тренинглар, халқаро тармоқлардаги ҳамкорлик ва илғор тажриба алмашиш орқали самарали сифатни ички таъминлаш тизимини (истиқбол, миссия, стратегик режалаштириш, КРІ ва бошқалар) ишлаб чиқиш ва жорий этишда қўллаб-қувватлаш лозим.

**Устувор йұналиш №3. Профессионал таълим муассасаларининг ўзини ўзи баҳолаш бўйича салоҳиятини ошириш**

Профессионал таълим муассасаларининг ўзини ўзи баҳолашни амалга ошириш, ўзини ўзи баҳолаш ҳисботини тайёрлаш ва даврий равишда фаолиятини қайта кўриб чиқиш орқали уни янада такомиллаштириш бўйича компетенцияларини шакллантириш ва салоҳиятини ошириш лозим.

**Устувор йўналиш №4. Профессионал таълим муассасалари ходимларини меҳнат бозори томонидан талаб қилиган билим ва кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим мазмунини ишлаб чиқиш бўйича малакасини ошириш**

Таълим дастурларининг меҳнат бозори талабларига мувофиқлиги бўйича таълим муассасаси раҳбарияти ва ўқитувчилари учун турли салоҳиятни ривожлантириш тадбирларини ташкил этиш. Хусусан, бунда Миллий малакалар рамкаси ва касбий стандартларга мувофиқ келадиган ва таълим натижаларига асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни шакллантиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

**Устувор йўналиш №5. Таълим сифатини ташқи таъминлаш тизимини замонавий тамойилларга мувофиқ такомиллаштириш ва изчил таълим сифатини таъминлашнинг миллий тизимида қандай қилиб уни сифатни ички таъминлаш тизими билан уйғун ҳолда ривожланиши**

Салоҳиятни ривожлантириш тадбирларида замонавий сифатни ташқи таъминлаш тизимининг тамойиллари ва мақсади ҳамда уни Ўзбекистоннинг сифатни таъминлаш тизимида қандай жорий этилиши мумкинлиги тўғрисида масалалар ўрин олиши лозим. Ушбу тадбирларда дастлабки базавий билимлар берилиши ва кўникмалар шакллантирилишини инобатга олиб, профессионал таълимнинг барча даражадаги иштирокчилари (ОТФИВ, ташқи эксперtlар, профессионал таълим муассасалари вакиллари) уларда иштирок этиши ҳамда сифатни таъминлашда ўз ўрни ва масъулиятини тушуниб этиши жуда муҳим, чунки таълим сифатини таъминлашда ҳар бир иштирокчи ўз ўрнига эга. Иштирокчилар таълим сифатини ташқи таъминлаш тизимининг замонавий жиҳатлари ва асосий манфаатдор томонларнинг вазифалари ҳақида чуқурроқ билимга эга бўладилар. Хусусан,

- Профессионал таълим муассасаларининг ўз истиқболи, миссиялари ва стратегияларини ишлаб чиқишдаги мустақиллиги;
- Мустақил сифатни таъминлаш органи миллий таълим сифатини ташқи таъминлаш тизимини бошқаради, шунингдек, жараён, тартиб ва кўрсаткичларни ишлаб чиқишга масъул ҳисобланади;
- Профессионал таълим соҳасида сифатни ташқи таъминлаш мавжуд бўлишини асослаш ҳамда унинг сифатни янада яхшилаш (профессионал таълим муассасаларини сифатли таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш), ҳисобдорлик (кенг жамоатчилик, манфаатдор томонлар ва давлат бошқарув органлари вакилларини таълим сифати хизматлари кутилган даражада тақдим этилаётганлиги тўғрисида ишонтириш) ва кенгроқ жамоатчилик, манфаатдор томонлар ва давлат бошқарув органларига профессионал таълим сифати тўғрисида ишончли ахборотни тақдим этиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратиш.

**Устувор йўналиш №6. Таълим сифатини таъминлашга жалб этилган экспертларнинг билими, кўникмаси, малакаси, ишга бўлган муносабати ва касбий**

## **қадриятлари (сифат, ишонч, шаффофлик, ҳисобдорлик, холислик) бўйича салоҳиятини ошириш**

Таълим сифатини таъминлашга масъул экспертларнинг салоҳиятини ривожлантиришда уларда замонавий сифатни ташқи таъминлаш бўйича кенг кўламли ва чуқур компетенцияларни шакллантиришга эътибор қаратиш лозим. Бундан ташқари, экспертларни профессионал таълими муассасалари раҳбарияти, ходимлар, таълим олувчиilar ва бошқа манбаатдор томонлар натижаларни осонгина тушуна оладиган аниқ, лўнда тарзда ҳисобот тузиш кўникмалари бўйича малакасини ошириш мақсадга мувофиқ. Ушбу кўникмалар экспертлар томонидан шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойиллари асосида тўғри хulosса чиқарилиши, шунингдек, таълим олиш ва сифатни таъминлаш жараёнларини янада такомиллаштириш учун фойдали тавсия ва кўрсатмаларни тақдим этилишини таъминлашга хизмат қилиши лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Renold, U., Caves, K., & Zubovic, A. (2022). *Governance of TVET in Uzbekistan*. CES Studies, 31.

Church, C. H., 1988, '*The qualities of validation*', *Studies in Higher Education*, 13, pp. 27-43.

European Training Foundation (ETF). (2015). *Promoting Quality Assurance in Vocational Education and Training: The ETF Approach*. Turin, Italy: European Training Foundation (ETF).





